



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2024
2/1-сон



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2024 йил, 2/1-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:
и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

**Бош муҳаррир
ўринбосари:**
и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

Масъул котиб:
и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

Муҳаррирлар:
и.ф.д. Ф.А.Сафаров
катта ўқит. Ш.З.Ўразов

Техник муҳаррир:
и.ф.н., доц. А.Н.Холиқулов

Корректор:
PhD С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:
ассис. Х.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба
чоп этилади.

Ўзбекистон ҳудудида
тарқатилади.

Тахририят манзили:
140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,
+998(66)233-17-88

факс: +998(366)231-12-53
эл.почта:

samisiservis@mail.ru

Тахририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти ректори, и.ф.д., профессор

Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

Тахрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,
профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – и.ф.д., профессор.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

М.Р.Болтабаев – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

А.Бектемиров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ профессори в.б., иқтисод
фанлари доктори

Л.Н.Халикова – СамИСИ профессори в.б., DSc

Ф.А.Сафаров – СамИСИ доценти в.б., DSc

Анвар Нематович Холиқулов "ZILOL BAXT" меҳмонхонаси самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш йўллари	78
Ibragim Xudayarovich Nimatov Zamonaviy turizmda motivlashtirishga ta'sir etuvchi omillar tahlili	82
Sarvinoz Ashurova The importance of Guest houses in the tourism industry of Uzbekistan	87
Собир Худойбердиевич Махмудов Тарихий-маданий туризм салоҳияти ва уни баҳолаш	92
Шахноза Шомуротовна Тошпулатова Навоий вилоятининг тарихий - архитектура ёдгорликларидан туризм соҳасида фойдаланиш йўллари	97
Gulmira Rabbonovna Tursunova, Diyora Istamovna Ochilova O'zbekistonda gastronomik turizmni rivojlantirishning italiya tajribasi	100
Mahliyo Yaxshiboy qizi Umarova O'zbekistonning mavjud turizm salohiyatidan kengroq foydalanish yo'llari hamda xususiyatlari	104
Юлдуз Пирназаровна Урунбаева Музей туризмни ривожлантириш – аҳоли фаровонлигини оширишнинг асосий омили	107
Фарух Тохирович Шукуров Туризм соҳасидаги тадқиқотларнинг эпистемологияси ва билимларнинг манбалари	111
Akmal Odilovich Odilov Turizm sohasida marketing tadqiqotlarining	115
МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ	
Абдухолик Эгамович Тангиров Инновацион иқтисодиёт шароитида корхоналарни бошқариш ва уни такомиллаштириш	118
Хасан Абдусаидович Рахимов Туризм ва меҳмонхона соҳасида кадрлар менежментининг мазмуни, турлари ва улардан самарадорликни оширишда фойдаланиш йўллари	121
Гўзалхон Акром қизи Абдурашидова Маркетинг тизимида нархларни шакллантириш механизмларининг эволюцияси	127
Лариса Алижоновна Мусабаева, Тимур Ибодуллаевич Ибрагимов Истеъмол бозорини ривожлантиришнинг дастурий механизмлари самарадорлигини ошириш йўллари	132
ИНВЕСТИЦИЯ	
Шахноза Сайдуллаевна Музрапова Инвестицион мулк ҳисобини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари	137
Обид Мамаюнович Пардаев Хизмат кўрсатиш соҳасига инвестицияларни жалб қилишнинг “ЗХ+ФКИ” моделидан фойдаланишнинг стратегик йўналишлари	142
Saida Azatovna Sheraliyeva Erkin iqtisodiy zonalarga xorijiy investitsiyalarni jalb etish	147

<p>С.Махмудов</p> <p>Потенциал историко-культурного туризма и его оценка</p> <p>Аннотация: в статье представлены сведения о туристском потенциале, историко-культурных объектах, потенциале духовного наследия, возможностях туристических объектов и уровне их использования, их специфических характеристиках, новых методах оценки потенциала историко-культурных объектов.</p> <p>Ключевые слова: историко-культурный туризм, туристическая территория, туристский потенциал, доходы, доходы населения, культурное наследие, иностранная валюта.</p>	<p>S.Makhmudov</p> <p>The potential of historical-cultural tourism and its assessment</p> <p>Abstract: the article presents information about tourism potential, historical and cultural objects, the potential of spiritual heritage, the capabilities of tourist sites and the level of their use, their specific characteristics, new methods for assessing the potential of historical and cultural objects.</p> <p>Keywords: historical and cultural tourism, tourist area, tourist potential, income, population income, cultural heritage, foreign currency.</p>
--	---

Шахноза Шомуратовна Тошпулатова – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти магистранти

НАВОИЙ ВИЛОЯТИНИНГ ТАРИХИЙ - АРХИТЕКТУРА ЁДГОРЛИКЛАРИДАН ТУРИЗМ СОҲАСИДА ФойДАЛАНИШ Йўллари

Аннотация: Навоий вилояти бошқа вилоятлар каби қатта туристик салоҳиятга эга бўлган, аммо улардан тўлақонли фойдаланмаётган вилоятлардан бири ҳисобланади. Ушбу мақолада вилоят ҳудудидаги геологик, тарихий, археологик, архитектура, ва монументал туристик ресурсларидан фойдаланиш таҳлиллари, шунингдек, ушбу ҳудуднинг туризм соҳасидаги мавжуд муаммолари ва уларнинг ечимига доир илмий тақлифлар

Калит сўзлар: туристик салоҳият, тарихий обидалар, ёдгорликлар, қоризлар (қудуқлар) ахборот марказлари, тематик масканлар, салоҳиятли кадрлар, геотуристтик ресурслар, экотуристтик салоҳият.

Кириш. Вилоят ҳудудида экологик, геологик, тарихий, археологик, архитектура, рекреацион, соғломлаштириш, гастрономик ва монументал туристик ресурслар мавжуд. “Бугунги кунда Навоий вилоятида хорижий инвестиция маблағлари ҳисобидан 27 туристик инвестицион лойиҳаси амалга оширилмоқда. Инвестицион лойиҳаларнинг умумий қиймати 141, 9 млрд сўмни ташкил қилади”¹.

Навоий вилояти Ўзбекистоннинг марказий қисмида жойлашган энг йирик вилоятдир. Вилоятнинг асосий қисми кон-металлургия саноати маркази сифатида фойдаланиб келинмоқда. Вилоятдан Буюк Ипак Йўлининг асосий қисми ўтган ва ҳудудда кўплаб сардобалар сақланиб қолганлиги ҳали ушбу ҳудуднинг туристик жозибадорлигини янада оширади. Бугунги кунда вилоятнинг туристик имкониятлари ўрганилиб таҳлил қилиниб илмий-амалий ишлар олиб борилмоқда ҳамда Нурота, Хатирчи ва Қизилтепа туманларининг туристик салоҳиятига доир илмий-изланишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Мавзуга доир кўплаб илмий ишлар қилинган. Хусусан, маҳаллий олимлар И.С. Тухлиев, М.Қ. Пардаев, Д.Х.Асланова, С.А. Абдуҳамидов ва бошқаларнинг илмий тадқиқот ишларида ўрганилган.

Тадқиқот методологияси. Мақолани тайёрлашда мантиқий таҳлил, илмий мушоҳада, статистик гуруҳлаш, инновацион усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Навоий вилояти фақатгина кон металлургия саноати билан чекланиб қолмасдан, мазкур ҳудуднинг туристик салоҳияти ҳам юқори. Хусусан, тарихий-архитектура ёдгорликлари мисолида қуйидаги объектларни келтириб ўтишимиз мумкин: Сангжумон табиий тош ёдгорликлари, Навандак тепа ёдгорлиги ва бошқалар. Ушбу келтириб ўтилган ёдгорликлар қаторини кенгайтиришимиз мумкин, аммо биз туристлар учун энг жозибали ва мафтункор бўлган ҳудудларни танладик. “Ёдгорликларга туристларда кизиқиш уйғотиш ҳамда мавжуд объектларга нисбатан туристлар оқимини

¹ <https://yuz.uz/news/navoiy-viloyatida-turizm-sohasidagi-yangi-investitsion-loyihalarning-bugungi-holati-qanday>

ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг раислигида 2023 йилнинг 29 март кунини туризм салоҳиятини ривожлантириш юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида хорижий сайёҳлар оқимини янада кўпайтириш, бугунги кунда туризм соҳасига берилаётган имтиёزلардан самарали фойдаланиш зарурлиги таъкидланган эди. Навоий вилояти Туризм бошқармаси ҳамда Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳамкорлигида инфо-тур ташкил этилди. Унда Самарқанд вилоятида фаолият юритаётган 50 дан зиёд туристик фирмалар вакиллари ва институт олимлари иштирок этди”¹.

Навоий вилояти Хатирчи туманида **Сангжумон қишлоғи** бор. Табиати бетакрор, гўзал бу маскан сайёҳ ва зиёратчиларни ўзига турли шаклдаги ҳарсангтошлари билан жалб этади. Қишлоқ тугаши билан бепоён қирликларда сочилиб ётган харсангларга кўзингиз тушади. Қирлик Нурота тоғлари тизмаларининг жанубий шоҳобчаси бўлиб, узунлиги 70 км, эни эса 9,28 км.дир. **Навандак тепа ёдгорлиги** - Навоий вилоятининг Хатирчи туманидаги Навандак қишлоғи олдида 25-30 гектар жойни эгаллаган эски Навандак қабристонини жойлашган. Навандактепада археологлар томонидан бронза даврига оид манзилгоҳ топилган, унда арча тасвири билан безатилган сопол идишлар топилганлиги қайд этилади.

Яна бир маълумотга кўра, Навандак қадимдан «Шаҳри бар-бар», деб аталган. Унинг қадимий ва катта бўлганини унинг олдидаги мазкур қабристон ҳам тасдиқлайди. **Канпирак девори** - Ўрта Осиё мудофаа истехкомлари меъморчилигининг нодир намунаси ҳисобланади. **Боязид Бистомий масжиди**- Қадим Қизилтепанинг “Бўстон” кўрғонида ҳазрат Боязид Бистомий зиёратгоҳи борлиги улуғ авлиёга эҳтиром рамзи. Бу табаррук жойда 1929 йилгача маҳобатли масжид ва минораси бўлиб, советлар даврида бузиб ташланган. Бузиб ташланган масжид ўрнида 1990 йили чўпқори, шимоли ва шарқий айвонли масжид туман ташкилотлари ва аҳоли маблағи билан бунёд этилди. **Хўжа Саъд Ваққос Сахий масжиди** - Қизилтепа туман Зармитан қишлоғида жойлашган “Хўжа Саъд Ваққос Сахий” жомей масжиди XIX бошларидан мавжуд бўлиб, қайта-қайта таъмирланиб, охириги марта 1982 йилда колхоз томонидан, ҳашар йўли қайта тикланган. **Хўжа Ҳасан Андоқий масжиди** - Қизилтепа тумани Хўжа Ҳасан ҚФЙ ҳудудидаги Сарой қишлоғида Хожа Ҳасан Андоқий зиёратгоҳлари жойлашган. 1910 йилда Жоме масжид қурилган. Айни кунларда ушбу зиёратгоҳда янги макбара қурилган. Хожа Ҳасан Андоқий Юсуф Ҳамадонийнинг иккинчи халифалари ҳисобланади. **Қизилтепа тарих музейи** - Қизилтепа ўзига хос архитектуравий ечимга эга бино ва объектлар бир қаторни ташкил этади. Қизилтепа тумани тарихи музейи бу борада алоҳида ажралиб туради. Туман марказидаги мазкур бинонинг ҳудуд номи билан уйғун тарзда тепалик кўринишида барпо этилгани таҳсинга лойиқ.

Бундан ташқари “Навоий вилоятида жойлашган 5 та тарихий объект ЮНЕСКО Бутунжаҳон маданий мероси ёдгорликлари рўйхатига киритилди. Қайд этилишича, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 12–13 март кунлари Навоий вилоятига ташрифи давомида берилган топшириғи ва кенгайтирилган тарзда ўтказилган 11-сонли йиғилиш баёнининг 107-бандига мувофиқ “Буюк Ипак Йўли”нинг Зарафшон-Қорақум қисмида жойлашган “Қосим Шайх”, “Мирсаид Баҳром”, “Работи Малик”, “Сардоба”, “Мавлоно Ориф Деггароний” маданий мероси объектларини ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси ёдгорликлари рўйхатига киритиш вазифаси топширилган”².

Навоий вилояти юртимизнинг маданий марказларидан ҳисобланади. Ушбу ҳудудда мавжуд туристик салоҳиятлардан унумли фойдаланган ҳолда туризм бозоридаги мавқеини ошириш ва буни кенг оммага ёйиш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, соҳанинг ривожига таъсир этувчи сабаблар мавжуд бўлиб илмий изланишлар Навоий вилоятида туризм соҳасини жадал ривожлантиришга доир муаммолар сифатида қуйидагиларни келтиришимиз мумкин:

1. Ҳудудлардаги туризм инфратузулмаларидаги мавжуд муаммоларни ўрганиш ва

¹ <https://turanews.kz/uz/news/navoiy-viloyatining-turizm-salohiyati-yuksaladi/>

² <https://daryo.uz/2020/08/30/navoiyda-5-ta-obyekt-yunesko-butunjahon-madaniy-merosi-yodgorliklari-royxatiga-kiritiladi>

- ҳолатини таҳлил қилиш;
- 2. Туристик объектлар салоҳиятини дунёга танитиш мақсадида жаҳон стандартларига мос рекламаларнинг мавжуд эмаслиги;
- 3. Туризм фаолияти билан шуғулланувчи субъектлардаги молиявий муаммоларини ўрганиш;
- 4. Туризм соҳасида фаолият юритувчи салоҳиятли кадрларнинг етарли эмаслиги;
- 5. Турфирмалар томонидан ишлаб чиқилган турпакетлар ассортиментининг камлиги .

Хулоса ва таклифлар. Худудда туризм соҳасини ривожлантириш мақсадида амалга оширилиши керак бўлган амалий ишлар режасини ишлаб чиқиш муҳимдир. Ушбу режа асосида туризм субъектлари орасида мавжуд муаммоларни ўрганиш ҳамда ҳал этиш муҳимдир. Худудларда янги иш ўринларини кўпайтириш ва салоҳиятли кадрлар етиштиришни таъминлаш асосий мақсадлардан бири сифатида қаралмоғи зарур. Туристик ахборот марказлари, маҳаллий сувенир сотиш марказлари ва ҳ.к. қурилишини кўпайтириш, шунингдек, улар атрофида бошқа хизмат кўрсатиш марказлари лойиҳаларини, (жумладан: ресторан, кафе, турли кўнгилочар худуднинг хусусиятларидан келиб чиқиб, тематик масканларини қуришни) режалаштириши лозим. Бу эса, ўз навбатида Навоий вилоятида туризм соҳасини ривожлантиришда қуйидаги ижобий ўзгаришларга сабаб бўлади:

- 1. Худудлардаги туризм инфратузулмалари ҳолати сезиларли даражада яхшиланади;
- 2. Навоий вилоятининг туристик ресурсларининг кенг оммага танилишига сабаб бўлади;
- 3. Худуддаги объектлар дунё миқёсида танилиши натижасида бу ерда янги инвестицион муҳит пайдо бўлади;
- 4. Туризм бозорида фаолият кўрсатувчи субъектларда малакали кадрлар салмоғи ошади;
- 5. Маркетинг соҳаси ривожланиши натижасида туризм бозорида талабга мос таклифлар сони ортади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1. Р.Мақсудов, Қ.Ражабов Қизилтепа тумани:кеча ва бугун-Тошкенг: “САҲҲОФ” нашриёти, 2021.-360 б.
- 2. М.Ҳошимов, М.Даминов// Санги-Жуман – геотуристический памятник природы Узбекистана. Учебно-методическое пособие Самарканд-2013 СамИСИ 26с.
- 3. Х.Қурбанов, Р.Ахмедов, Ш.Исмоилзода, У.Нарзуллаев, З.Тоғаев. Нурота тумани: кеча ва бугун-Тошкент: “САҲҲОФ” нашриёти, 2021.-360 б. учеб.пособ. – М.: КНОРУС. 2007
- 4. Ibadullayev N.E. dissertatsiya “Turistik resurslardan foydalanish samaradorligini oshirish imkoniyatlari”. Samarqand – 2010
- 5. . uz.m.wikipedia.org
- 6. .https://uzbekistan.travel/uz/r/navoiy-viloyati/
- 7. . https://uza.uz/oz/posts/ozod-yurtning-ravon-yo-llari -01-05-2015
- 8. <https://turaneews.kz/uz/news/navoiy-viloyatining-turizm-salohiyati-yuksaladi/>
- 9. <https://darvo.uz/2020/08/30/navoiyda-5-ta-obyekt-yunesko-butunjahon-madaniy-merosi-yodgorliklari-royxatiga-kiritiladi>.

<p>Ш.Тошпулатова</p> <p>Пути использования историко-архитектурных памятников Навоийской области в сфере туризма</p> <p>Аннотация: Навоийская область является одним из регионов, который имеет большой туристический потенциал, как и другие регионы, но он не используется в полной мере. В данной статье анализируется использование геологических, исторических, археологических, архитектурных и монументальных туристских ресурсов региона, а также существующие проблемы в сфере туризма этого региона и научные предложения по их решению.</p> <p>Ключевые слова: туристический потенциал, исторические памятники, памятники, колодцы, информационные центры, тематические места, потенциальный персонал, геотуристические ресурсы, экотуристический потенциал.</p>	<p>Sh.Toshpulatova</p> <p>Ways to use historical and architectural monuments of Navoi region in the field of tourism</p> <p>Abstract: Navoi region is one of the regions that has great tourism potential, like other regions, but it is not fully exploited. This article analyzes the use of geological, historical, archaeological, architectural and monumental tourism resources of the region, as well as existing problems in the field of tourism in this region and scientific proposals for solving them.</p> <p>Keywords: tourist potential, historical monuments, monuments, wells, information centers, thematic places, potential personnel, geotourism resources, ecotourism potential.</p>
--	--

ISSN 2091-5187

❧ “СЕРВИС” ❧

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

22.05.2024 йилда теришга берилди. 7.06.2024 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табоғи 15,76. Ҳисоб-нашриёт
табоғи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0076А/24.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2024.